
НОЁБ ОПЕРАЦИЯ

Илгари бундай операция чет эллардаги ёки пойтахтдаги санокли клиникалардагина ўтказиларди
Туман тиббиёт бирлашмаси туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон томир касалликлари марказининг нейротраматология бўлимида Тошлоқ туманилик 1995 йилда туғилган беморни эзилиб кетган умуртқа поғонасини тиклаш бўйича ноёб жарроҳлик операцияси ўтказилди. Вилоятдан келган нейрохирург ва маҳаллий врачлар томонидан ўтказилган бундай операция илгарилари фақат чет эллардаги ёки пойтахтдаги санокли клиникалардагина ўтказиларди.

Беморнинг операциядан кейинги ҳолати қониқарли, ўзи юриб, ҳаракатланмоқда.
Ёзёвон тумани ҳокимлиги ахборот хизмати.

2023-05-23 15:48:33